

**ЙК №1-2021**  
**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)**

Урганч шаҳри

2021 йил 25 декабр

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **Хоразм вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси** номидан Низом асосида иш кўрувчи директор **Қ.Рахимов** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«Хива қурилиш комплекс» МЧЖ** номидан иш кўрувчи **А.Хасанов** иккинчи томондан **Хонқа тумани «Дўстлик» МФЙ** ҳудудида қурилаётган кўп квартиралли уй-жойларни уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини қурилиши объектини фойдаланишга топширишга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. ТАЪРИФЛАР**

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- **ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича «Буюртмачи» томонидан «Пудратчи»га берилган ер участкаси объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- **вақтинчалик иншоотлар** – «Пудратчи» томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.**

2.1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига томондан **Хонқа тумани «Дўстлик» МФЙ** ҳудудида қурилаётган кўп квартиралли уй-жойларни уй-жойларни ички йўлларни ҳамда пиёдалар йўлакчаларини қурилиши объектини кўзда тутилган лойиха бўйича қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларини бажариб, жиҳозларни ўрнатиб, фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи»га жиҳозларни ўрнатиш, ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.**

3.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажарилган, танлов натижасида аниқланган ва танлов комиссиясининг қарори (**2021 йил 25 декабрдаги 602-сонли баённома**) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда ҚҚС билан жорий нархларда **529 220 000** сўмни ташкил этади. Шундан 2021 йил манзилий дастурига асосан **502 759 000** сўмни молиялаштирилади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
- ишлар ҳажми «Буюртмачи» томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқга ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. «Пудратчи»нинг айби билан объект муддатида топширилмай иккинчи йилга ўтганда шартнома қиймати қайта кўрилмайд.

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. «ПУДРАТЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

4.1. Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг II-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни «Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- объектни фойдаланишга қуриш учун етарли миқдордаги, танлов савдоларида белгиланган асбоб-ускуналар билан таъминлайди;

- объектни фойдаланишга қуриш учун ўрнатилган асбоб-ускуналарни текширувдан (синовдан) ўтказиш, сошлаш (пусконаладка) ишларини амалга оширади;

- қурилиш тавakkалчиликларини суғурта қилиш ва суғурта полисини қурилиш ишларини молиялаштиришни очиш учун «Буюртмачи»га тақдим қилиш;

- қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

- ташкилот раҳбари ва бухгалтерия, юридик, ҳисоб-рақамлари, почта манзиллари ҳамда телефон рақамлари ўзгарган тақдирда «Буюртмачи»га бу ҳақда 3 кун муддатда ёзма ахборот бериш.

4.2. «Пудратчи» мавжудлигини кафолатлаган шартноманинг умумий қийматидан 20%га тенг бўлган айланма маблағини бюджет танқислиги сабабли аванс тулови ёки жорий молиялаштиришлар 60 кунгача кечикганда мазкур шартномада кўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

4.3. «Пудратчи» объектни ШНКЗ.01.04-04 меъёрий ҳужжати бўйича «Қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиш» меъёрий ҳужжати талаблари асосида «Буюртмачи»га топширади.

4.4. «Пудратчи» объектни фойдаланишга қуриш учун тақдим қилганда «Ишчи комиссиясининг далолатномаси», ишлар бажарилганлигини исботловчи ҳужжатлар (исполнительная документация) «Давлат қабул комиссиясининг далолатномаси» билан бирга ўзи тузган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб варақ-фактура» ни «Буюртмачи»га топширади.

4.5. «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва «Субпудратчи»лар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга қуриш учун «Буюртмачи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

4.6. «Пудратчи» «Буюртмачи» ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги 502-сонли қарорига биноан ушбу объектнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига белгиланган тартибда топширади.



4.7. «Пудратчи» мазкур объектда ишларни бошлашдан олдин барча ходимларни пудратчи номи тушурилган махсус кийим (бош кийим, оёқ кийим) билан таъминлайди. Объектда қурилиш сифатини ошириш ва ўз муддатида сифатли қилиб фойдаланишга топшириш мақсадида онлайн кузатув олиб бориш учун кузатув камера ўрнатишни, ишчи хизматчилар учун хона ажратиш иссиқ овқат билан таъминлашни, ва турли касалликларни олдини олиш учун СЭСни талаби даражасида никоб, антисептиклар ажратиш, ҳамда талофат рўй бермаслиги учун техника хавфсизлигига риоя қилишни ўз зиммасига олади. Мазкур мажбурятларни бажармаган тақдирда пудратчининг бошқа харажатлари учун ажратиладиган 15,51 коэффицентининг 7,71 олиниб 7,8 коэффицентини берилади ҳамда келгуси йилларда танловларда қатнашишга йўл қўйилмайди ва XIV-бўлими 14.3-бандига асосан пеня тўлайди, ёки шартномани бекор қилади.

4.8. Танлов ҳужжатларида ўзи ёзиб келган ишчи хизматчилар сони, статистика маълумотлари ишчи ходимларнинг ойлик маошларини ва тегишли идора ташкилотларга тақдим қиладиган ҳужжатларини барчасини иш жараёнида бажаришни ўз зиммасига олади. Мазкур банд бажарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонун қондаларга биноан жавобгар бўлади.

4.9 «Пудратчи» мазкур объектда йил якуни бўлганлиги сабабли жорий йилнинг 27-декабрига қадар барча ҳисоботларни тулик яқунлаб, Давлат ва Ишчи ҳаёяти қабул қилиш далолатномаларини топшириш объектни фойдаланишга топширишни уз зиммасига олади. Акс ҳолда буюртмачи молиялаштиришни уз зиммасига олмайди. Хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шикоят қилса инobatга олинмайди.

#### **V. «БЮОРТМАЧИ»НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун «Буюртмачи»:

- мазкур шартнома мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича «Пудратчи»га бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи»дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- «Пудратчи»нинг барча муружаатларини 10 (ун) кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи»га 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни бажарилган ишларга мутоносиб тақдим қилинган ҳужжатларга асосан амалга ошириш учун молия органларига заявка-буюртманомга бериш;

- «Хоразм вилояти қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекциясининг» объектни қуришга доир Оммавий оферта ва Қурилиш ишларини бошлаш тугрисидаги хабарнома олиш;

- «Пудратчи»га ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

- «Пудратчи»га лойиха-смета ҳужжатларини бериш;

- объектнинг баландлик нукталарини, бўлиш ўқларини (координатная разбивка) белгилаб бериш;

- ишчи комиссияси томонидан аниқланган камчилик ва нуқсонларнинг бартараф қилинишини назорат қилиш;

- белгиланган қонун қондалар бўйича молиялаштиришни очиш;

- «Пудратчи» томонидан қафолатланган муддат вақтида топширилган объектни назорат қилиб бориш;

- қафолатланган муддат тугагандан кейин фойдаланувчи ташкилотнинг «Пудратчи»га эътирози йўқлиги тўғрисидаги маълумотномани «Пудратчи» тақдим қилгандан кейин якуний 5% қафолат суммаси тўлашни амалга ошириш учун молия органига заявка бериш;

5.2. «Буюртмачи» мазкур пудрат шартномаси тузилгандан кейин аниқликлар киритилган манзилли дастурни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда тасдиқлатади.

5.3. «Буюртмачи» манзилли дастурни тасдиқлатгандан кейин «Пудратчи» билан қурилиш титул рўйхатини тузади.

5.4. «Пудратчи» қурилиш таваккалчилик сугурта полисини тақдим қилгандан кейин молиялаштиришни очади.

5.5. «Буюртмачи» мазкур шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса «Пудратчи» олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

#### **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ ОБЪЕКТНИ ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ.**

6.1 «Пудратчи» мазкур шартномада белгиланган пудрат ишларини бажаришга шартнома имзоланган кундан бошлаб киришади.

6.2. Қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **55 кал.кунни** ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР.**

7.1. Шартномада миллий валюта - «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилиниши белгиланади.

7.2. «Буюртмачи» мазкур шартнома бўйича объектга бюджетдан мақсадли аванс беради, молия органи молиялаштириш жадвали бўйича тўғридан-тўғри «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига ишлар умумий қийматининг 30 фоиз миқдорида **158 766 000 сўм** аванс маблағини ўтказади.

7.3. «Буюртмачи» томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс ва 5% қафолат суммаларини пропорционал ушлаб қолган ҳолда амалга ошириш учун молия органига заявка-буюртманомга беради, молия органи тўғридан-тўғри «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига молиялаштиришни амалга оширади.

7.4. Ишлар тугалланиб объект қабул комиссияси томонидан ШНК 3.01.04-04 меъёри ҳужжатига белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин «Буюртмачи» ва «Пудратчи» ўртасида узил-кесил ҳисоб китоб объект умумий шартномавий жорий қийматининг 95% доирасида амалга оширади, молия органи тўғридан-тўғри «Пудратчи»нинг ҳисоб рақамига молиялаштиришни амалга оширади.

7.5. Мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддат тамом бўлгандан кейин, бироқ қафолат муддати тамом бўлаётган молия йили тугамасдан ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида қафолат суммасини молиялаштиришни амалга ошириш учун «Буюртмачи» молия органига заявка-буюртманомга беради, молия органи тўғридан-тўғри «Пудратчи»нинг ҳисоб-рақамига молиялаштиришни амалга оширади.

7.6. «Пудратчи» жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойининг 26 кунгача ҳисоб-китоб учун ишларнинг миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ фактурани» ўзи тўзиб қурилиш материаллари, жихозларнинг сифатини тасдиқловчи техник паспортлар, сертификатлар билан барча техник ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим қилади.

7.7. «Буюртмачи» бажарилган ишларнинг миқдори, сифати, харажатларини, тақдим қилинган техник паспортларга, сертификатларга, техник ҳужжатларга, мувофиқлигини текшириб қабул қилиб «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ фактурани» имзолайди.

7.8. «Пудратчи» якуний молиялаштириш учун (5% қафолат суммаси бундан мустасно) «Ишчи қабул комиссияси далолатномасини», ШНК 3.01.04-04 меъёрий ҳужжатига белгиланган ижро ҳужжатларини (2 нусхада), Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2004 йил 26 октябрдаги 502-сонли қарорига биноан «Буюртмачи» ҳамкорлигида ушбу объектнинг муҳандислик тармоқлари ва иншоотларини хизмат кўрсатувчи ташкилотлар балансига белгиланган тартибда тошириб берганлиги тўғрисидаги далолатномаларини ва Давлат қабул комиссияси далолатномаси билан бирга ҳисоб-китоб учун ишларнинг миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади, «Буюртмачи» тақдим қилинган ҳужжатларни текшириб қабул қилиб имзолайди.



7.9. «Буюртмачи»га жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган ишларнинг миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг «Пудратчи» томонидан тузиладиган ва «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ фактура» асос бўлади.

#### **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.**

8.1. «Буюртмачи» қурилиш майдонида ўз вакилини–техник аудиторни тайинлайди, у «Буюртмачи»нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек «Пудратчи» томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. «Пудратчи» техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор «Пудратчи» томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. «Пудратчи» ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 «Пудратчи» объектда ишларни олиб бориш тартибини ҳудудий назорат инспекцияси билан келишади ва унга рўйча этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни техника хавфсизлигини, ишчиларни махсус санитар нормалар бўйича қийим кечаклар билан таъминлаш «Пудратчи»нинг вазифаси ҳисобланади.

8.7. «Буюртмачи» қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда «Пудратчи»га ортиқча тўпроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тўпроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.8. «Буюртмачи» қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун «Пудратчи»га геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.9. «Пудратчи» геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, «Пудратчи» «Буюртмачи» билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. «Пудратчи» геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координаталар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича «Буюртмачи»га беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни «Пудратчи» амалга оширади.

8.12. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин «Пудратчи» «Буюртмачи»ни ва ҳудудий назорат инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.13. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги «Буюртмачи» ва «Пудратчи» томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг ҳудудий назорат инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалар билан тасдиқланади.

8.14. «Пудратчи» «Буюртмачи»нинг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.15. Агар беркитиладиган ишлар «Буюртмачи»нинг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.16. Агар «Буюртмачи», «Пудратчи» ва (ёки) унинг «Субпудратчи»лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда «Пудратчи» ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларнинг уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда ишларни қайта бажаришга мажбурдир.

Агар «Пудратчи» сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, «Пудратчи» уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни «Буюртмачи»га тўлайди.

8.17. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача «Пудратчи» ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, «Буюртмачи» ва «Пудратчи»нинг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар «Буюртмачи» ишларнинг бориши ва сифатидан ёки «Пудратчи»нинг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

8.18. «Пудратчи» дафтарда «Буюртмачи» томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. ИШЛАРНИ КУРИКЛАШ.**

9.1. «Пудратчи» ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект «Буюртмачи» томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун «Фойдаланувчи ташкилот» жавоб беради.

9.3 «Пудратчи» объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди.

9.4. Объект «Буюртмачи»га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиш хавфи «Пудратчи» зиммасида бўлади.

#### **X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.**

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқиб ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар шартнома шартларини қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда «Пудратчи» ва «Буюртмачи» ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ТОПШИРИШ–ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ.**

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш «ШНК 3.01.04-04» меъёрий ҳужжатида белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.



11.2. Объект фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида «Пудратчи»нинг ёзма билдиришномаси «Буюртмачи» томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида кўриб чиқилади.

11.3. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектнинг, қабул қилиб олиш жараёни бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V-бўлимига мувофиқ «Буюртмачи» томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. «Пудратчи» ва «Буюртмачи»га ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.4. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектни, икки нусхада барча ишчи ҳужжатларини (исполнительная документация) «Ишчи қабул комиссиясига» тақдим қилади.

11.5. «Пудратчи» қурилиши тугалланган объектнинг «Ишчи қабул комиссияси» далолатномасини, ишчи ҳужжатларини (исполнительная документация) 2 нусхада, инженерлик коммуникацияларнинг фойдаланувчи ташкилотлар балансига топширилганлиги тўғрисидаги далолатномаларни, ишчи қабул комиссиясининг аниқланган камчилик ва нуқсонлар тўғрисидаги далолатномасини ва уларнинг бартараф қилинганлиги тўғрисидаги далолатномани «Давлат қабул комиссиясига» тақдим қилиш учун «Буюртмачи»га тақдим қилади.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект «Буюртмачи»нинг мулкига айланади.

## **XII. КАФОЛАТЛАР.**

12.1. «Пудратчи»:

- барча ишларни тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

- лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар «Пудратчи» томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар уларни бартараф этиш муддатлари «Пудратчи» ва «Буюртмачи»нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар «Пудратчи» бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, шу жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда «Буюртмачи» мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини «Пудратчи»дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. «Пудратчи» нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш ҳудудий назорат инспекцияси томонидан амалга оширилади.

## **XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.**

13.1. «Буюртмачи» қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақлидир:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши «Буюртмачи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Пудратчи» томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугатиш мазкур шартномада белгиланган муддатда «Пудратчи»нинг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, «Пудратчи» томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- «Пудратчи» томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. «Пудратчи» қуйидаги ҳолларда шартномани бир томонлама ўз ташаббуси билан бекор қилишга ҳақлидир:

- ишларнинг бажарилиши «Пудратчи»га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра «Буюртмачи» томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтатиб қўйилганда;

- «Буюртмачи» томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Мазкур шартноманинг XIII-бўлимидаги ҳоллар мавжуд бўлса шартномани бекор қилишни қарор қилган томон иккинчи томонни ёзма равишда огоҳлантиради.

13.4. «Буюртмачи» ёки «Пудратчи»нинг қарорига кўра шартнома бекор қилинганда, тугалланмаган қурилиш ўн беш кун муддатда «Буюртмачи»га берилади, бажарилган ишлар қиймати ва амалга оширилган тўловлар ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани қоплайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

13.7. Шартномани бекор қилишга мазкур шартноманинг 4.8. бандида қайд қилинган ҳолатлар ҳам асос бўлади.

## **XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.**

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.

14.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи» «Пудратчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши «Буюртмачи»ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.3. «Пудратчи» объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўзаро тузилган шартномани ишларни бажариш жадвалидаги мажбуриятларни бузганлиги учун «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.



«Буюртмачи» томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун «Пудратчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш «Пудратчи»ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда «Буюртмачи» худудий назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек «Пудратчи»дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдоридан жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилган ҳаражатларда, мол-мулкни йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган фойда билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVI. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ ШАРТЛАРИ.

16.1. Буюртмачига маълумки «Пудратчининг» «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонун талабларини амалга оширади, коррупцияга қарши кураш чораларини кўради, коррупцияга қарши сиёсат олиб боради ва коррупцияга йўл қўймайдиган маданиятни ривожлантиради, шерикларининг яхлитлигини кафолатловчи ва коррупцияга қарши иш стандартларини қўллаб-қувватловчи контрагентлар билан бизнес алоқаларини олиб боради.

16.2. Буюртмачи Пудратчининг расмий веб-сайтида (<https://.....uz/>) "Коррупцияга қарши сиёсат" бўлимида тақдим этилган коррупцияга қарши сиёсатни ўқиб тасдиқлайди, у тўлиқ коррупцияга қарши сиёсат қоидаларини қабул қилади ва тасдиқлайди, ҳамда коррупцияга қарши сиёсат талабларига риоя этилишини таъминлаш мажбуриятини олади, буюртмачи ва унинг аффилиланган жисмоний ва юридик шахслари томонидан, шу жумладан, буюртмачи эгалари, мансабдор шахслари, ходимлари ёки воситачилари билан бирга шартнома доирасида амалга оширилади.

16.3. Шартнома тузиш ва ижро этишда, томонлар, уларнинг филиаллари, ходимлар ёки воситачилар пора бериш ёки олишга йўл қўйилмайди.

16.4. Коррупцияга қарши давлат ва бизнес ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати «Пудратчи» томонидан амалга оширилади ва бизнес юритишда коррупцияга қарши стандартларга сўзсиз риоя қилиш орқали, компания обрўсига таъсир этиш ҳамда қурилиш соҳасида коррупцияни камайтириш, ҳамкорлар ва контрагентлар билан муносабатлар ривожлантиришга қаратилган ҳамда мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган вазифалар муваффақиятли бажарилишига олиб келади.

#### XVII. АЛОХИДА ШАРТЛАР.

17.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2. «Пудратчи» қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини «Буюртмачи»нинг ёзма рухсатисиз, «Субпудратчи»лардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3. Мазкур шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

17.4. «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5. «Пудратчи» «Буюртмачи»га молиялаштиришни очиш учун Таваккалчилик суғуртаси шартномаси ва полисини, мазкур шартнома имзолангандан кейин беш кун мабойнида тақдим қилмай кечиктирса, «Буюртмачи» молиялаштиришни очишни ва аванс беришни кечиктиради.

17.6. Агар «Пудратчи» шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда «Буюртмачи» «Пудратчи» қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.7. Мазкур шартнома бил хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилади.

#### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

##### БУЮРТМАЧИ:

Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси  
Урганч ш. Ал-Хоразмий, 23 а  
ш/хр 504521860334017045129118135  
ИНН 204821497, ОКОНХ 69000  
Молия Вазирлиги Газначилиги  
Ягона Газна х/р 23402000300100001010  
Марказий банк Тошкент шаҳар Бош ХККМ  
МФО 00014, ИНН 201122919

Компания директори Қ.Рахимов  
М.У. (имзо)

Буюртмачи юристи Ш.Джуманиязов

##### ПУДРАТЧИ:

«Хива қурилиш комплекс» МЧЖ  
Хива туман Соёт қишлоғи Саёт маҳалласи  
«Микрокредитбанку» Хива филиал  
х/р 20208000105005787001  
МФО 00578, ИНН 302423358  
ОКОНХ 61110  
телефон. 99 555 40 10

Раҳбари А.Хасанов  
М.У. (имзо)



*Handwritten signatures in blue ink at the bottom left of the page.*

